Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқишни бошлаётганларида қўлларини елка баробар кўтарар эдилар

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқишни бошлаётганларида қўлларини елка баробар кўтарар эдилар. Такбир айтиб рукуъ қилаётганларида ҳам, рукуъдан бош кўтараётганларида ҳам қўлларини елка баробар кўтарар эдилар ва «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ», «Роббанаа ва лакалҳамд», дер эдилар. Лекин сажда қилаётганда бундай қилмас эдилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намознинг уч ўрнида икки қўлларини елка баробарида кўтарар эдилар. Биринчи: намозга кириш учун такбири таҳрима пайтида. Иккинчи: рукуъга такбир айтганларида. Учинчи: бошларини рукуъдан кўтариб «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ», «Роббанаа ва лакалҳамд», деганларида. Саждага кетаётганда ҳам, саждадан тураётганда ҳам қўлларини кўтармас эдилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3095